

Ота онага вафотидан сўнг яхшилик қилиш (тўртинчи мақола)



15:00 / 24.12.2020 2401

لَصَيِّئٌ نَّابِحٌ نَمٌ؛ لَأَقْرَبُ أَطْخَالَ نَبِ رَمْعٍ نَّانَعَلَبٌ؛ لَأَقْرَبِي نَانُ بَلِّ لَاتَبَاثٌ نَعٌ
يُرْوَرْمَلُ نُنِي سَحُّ هَاوَرٌ؛ هَذَعَبَ هَيَبًا نَأُوخُ لَصَيِّفٍ وَرَبَقِي فُهَابًا

Собит Бунонийдан ривоят қилинади:

«Бизга Умар ибн Хаттобнинг «Ким отасига унинг қабрида силаи раҳм қилишни истаса, отасининг ака-укаларига силаи раҳм қилсин», дегани етиб келган».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Қаранг, ота-онанинг ҳаққи фарзандларда улар дунёдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам қолар экан. Фарзанд қабрида ётган отасига ҳам яхшилик қилиши мумкин экан. Бунинг учун у отасининг ака-укаларига яхшилик қилиши етарли экан.

Фарзанднинг ота-онага уларнинг вафотларидан кейин яхшилик бўладиган, ортларидан савоб етказадиган ва руҳларини шод қиладиган ишлардан яна бири уларга атаб садақа қилишдир.

муслмонларга кўпроқ манфаат берадиган амал қилинса, садақанинг савоби кўп бўлади. Буни ҳал қилишнинг энг яхши йўли Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг тутган йўллари дир.

Аҳли сунна ва жамоа уламолари жумҳури: «Маййит ўзидан бошқанинг амалидан манфаат олади», деганлар. Улар қуйидагиларни айтадилар:

«Ким: «Инсон фақат ўзининг амалидангина манфаат олади», деса, ижмоъни бузган бўлади. Бу гап бир неча важҳдан ботил дир:

1. Инсон ўзидан бошқанинг дуосидан манфаат олади. Дуо ҳам бошқанинг амали дир.
2. Пайғамбар алайҳиссалом маҳшар аҳлига – аҳли жаннатга жаннатга киришларига, гуноҳи кабира аҳлига дўзахдан чиқиб, жаннатга киришларига шафоат берадилар.
3. Фаришталар ер аҳлига дуо қиладилар ва истиғфор айтадилар.
4. Мўминларнинг болалари ота-оналарининг амаллари ила жаннатга кирадилар.
5. Икки етим бола отасининг амалидан манфаат олган. Қуръонда: «оталари солиҳ бўлган эди», дейилган.
6. Маййитнинг садақа ва қул озод қилишдан манфаат олиши суннат ва ижмоъ билан собит бўлган.
7. Маййит қарздор бўлса, ўлганидан кейин унинг қарзи берилса, қарзи узилади. Бу валийсининг амали дир.
8. Набий алайҳиссалом Нажошийга намоз ўқиганлар.

Бу масаладаги тортишувда, асосан, таассуф устун келади. Зотан, барча тортишувларда ҳам шундай бўлади ва натижада икки томон ҳам асл мақсаддан узоқлашиб кетади. Аслида эса, тушунса бўладиган иш.

Маййитнинг ортидан қилинадиган хайр-эҳсон, дуо ва бошқа ишлар шариатнинг асосини ташкил этмайди. Аксинча, булар бир қўшимча нарсалар бўлиб, асосини ҳар бир одамнинг ўзи қилган амали ташкил этади.

Шунинг учун ўлгандан кейин бошқанинг амалидан манфаат тегар экан, деган ўй билан бу дунёда шариатга амал қилмай юравериш мутлақо

нотўғридир. Ҳатто баъзи жойларда йилига бир марта худойи қилиб қўйишни «дин» деб тушунадиганлар ҳам бор.

Жумҳур уламолар «Маййитга ўзганинг амали манфаат беради», деган ҳукми ҳаёлан топиб айтган эмаслар, балки оят ва ҳадисларга суяниб, уларни ҳужжат қилиб айтганлар. Шунинг учун бу нарсани тўғри тушуниш ва унга тўғри амал қилиш керак».

(Тамом)

«Бахтиёр оила» китобидан